

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

### ИМИЧБ карашли ер майдонларидаги етиштирилган ғалла ҳосилини ўриш ва йиғиб олиш бўйича хизмат кўрсатиш

1. Ишларни бажаришдан мақсад – ИМИЧБ карашли Тошкент вилояти, Охонгорон ва Пискент туманидаги ер майдонларидаги етиштирилган ғалла ҳосилини қисқа муддатларда сифатли ўриш ва йўқотишларсиз йиғиб олиш.
2. Ижрочи 600,0 гектар ер майдонидаги ғалла ҳосилини бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқарилган йили 5 йилдан кўп бўлмаган, мукаммал соз ҳолатдаги камида 2 дона CLASS Dominator 130 маркали комбайн ёрдамида, узлуксиз режалаштирилган 20 кун ичида ўриб тугатиши лозим.
3. Ижрочи комбайнларнинг транспортировка харажатларини ўз ҳисобидан амалга оширади.
4. Ижрочи ўриш ва йиғиб олиш хизматини кўрсатишда комбайн бошқарувчилари билан боғлиқ харажатларни, яни операторларнинг яшаши, уларни озиқ овқат билан таъминлаш, тиббий хизматларни ва бошқаларни ўз ҳисобидан амалга оширади.
5. ИМИЧБ карашли ер майдонларидаги етиштирилган ғалла ҳосилини ўриш ва йиғиб олиш бўйича хизмат кўрсатиш ишлари режадан ташқари узилишларнинг олдини олиши шарт.
6. Ижрочи хизмат кўрсатиш жараёнида комбайнларнинг соз ҳолатда бўлиши билан боғлиқ мажбуриятларни, жумладан, эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш ҳамда таъмирлаш ишларини ўз ҳисобидан амалга оширади.
7. Ижрочи томонидан ажратилган ғалла комбайнларида ўриш ва йиғиб олиш учун сарфланадиган дизель ёқилғиси ва бошқа турдаги ёқилғи мойлаш материаллари билан таъминлашни ўз ҳисобидан амалга оширади.
8. Ижрочи юқорида кўрсатилган ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш учун сертификат ва лицензияларга эга бўлиши керак (агар қонун талаб етса).
9. ИМИЧБ карашли ер майдонларидаги етиштирилган ғалла ҳосилини ўриш ва йиғиб олиш бўйича хизмат кўрсатиш ишларини Буюртмачининг ёзма буюртмаси асосида бажариш.

**Ижтимоий ишлар бўлими бошлиғи**

**Абдуллаев И.И.**

**ИМИЧБ бошлиғи**

**Хайитов Т.Х.**

**КХМ ваЭХТ участкаси бошқарувчиси**

**Жўраниёзов И.Х.**

**КХМ ваЭХТ етакчи аграноми**

**Эргашев Ш.Т.**